

Сийрат дарслари (93-дарс). Майит ўз аҳлининг йиғиси билан азобланади



14:06 / 10.07.2020 3535

384. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Абу Салама ўлганида: «Ғариб ғурбатда ўлди. Унга бир йиғлайки, гап бўлиб юрсин», дедим. Унга йиғлашга тайёрланиб турган эдим, тепа тарафдан бир аёл йиғлашда менга ёрдамлашиш мақсадида келиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдидан чиқдилар ва икки марта: **«Аллоҳ шайтонни чиқарган уйга сен уни киритмоқчимисан?»** дедилар. Шунда йиғлашдан тийилдим ва йиғламадим».

Муслим ривоят қилган.

385. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода бемор бўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурроҳман ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳум билан уни кўргани келдилар. Шунда унинг олдига кириб, ҳушсиз ётганини кўрдилар. У зот: **«Қазо қилдими?»** дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғладилар. У зотнинг йиғиларини кўриб, бошқалар ҳам йиғлашди. Кейин у зот: **«Эшитмайсизларми? Албатта, Аллоҳ кўз ёши ва қалб маҳзунлиги сабабли азобламайди, балки мана бу сабабли азоблайди ёки раҳм қилади»**, дедилар ва тилларига ишора қилдилар.

«Албатта маййит унга ўз аҳлининг йиғиси билан азобланади»,
дедилар. Умар розияллоҳу анҳу шундай қилганларни асо билан урар,
(уларга) тош отар ва тупроқ сочар эди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан